



“Тасдиқлайман”

“ЖИЗЗАХ ХЭТК” АЖ

Б.Х. Ибрагимов

2022 йил

**“ЖИЗЗАХ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АЖда
1 дона имтиёзли акциянинг бозор баҳосини аниқлаш
мақсадида мустақил баҳолашни ўтказувчи ташкилотни танлаб олиш учун
Техник топшириқ**

Мақсади: Қисқа муддатда оптимал шартларда сифатли хизмат кўрсатилиши.

Диққат! Баҳолаш ташкилоти танловига малака талабларига жавоб берадиган баҳолаш ташкилотлари таклиф этилади. Баҳолашни ўтказувчи ташкилот малака талабларига жавоб бермайдиган ҳолатда шартнома бекор қилинади ва низоларни кўриб чиқиш учун Махсус комиссияга шикоят хати билан муружаат қилинади.

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ВА БАҲОЛАШ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 мартдаги “Энергетика вазирлиги ҳузурида “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги ВМҚ-126-сонли Қарорининг 8-бандига мувофиқ, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 07.04.2022 йилдаги 01-01-07/12-сонли хатига асосан, Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг 1 дона имтиёзли акциясининг бозор баҳосини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда мустақил баҳоловчи ташкилотлар ўртасидаги танловда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган баҳолаш фаолиятини амалга ошириш лицензиясига ва суғурта полисига эга бўлган, шунингдек уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига ва баҳолаш хизматлари бўйича ёрдам кўрсатиш учун зарурий ходимларга эга бўлган баҳолаш ташкилотлари қатнашишлари мумкин.

2. Танлов ғолибини аниқлаш: баҳолаш бозоридаги баҳоловчилик фаолияти, баҳоловчилари сони, Электрэнергетика соҳасидаги ташкилотларга баҳолаш хизмати кўрсатганлик тажрибасига эгаллиги, ўтган йилда баҳолаш ташкилотлари рейтингда мавжудлиги, суғурта полиси мавжудлиги ҳамда баҳолаш хизмати суммаси критерийларига кўра танлаб олинади.

3. Ҳар қандай келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи қонунчилик асосида ҳал этилади.

Танлов ғолибини аниқлаш критериялари:

№	Кўрсаткичлар	Балл				
		1	2	3	4	5
1	Баҳолаш бозоридаги баҳоловчилик фаолияти давомийлиги	3-5 йил	5-7	7-8	9-10	10 йилдан ортиқ
2	Баҳоловчилари сони	6	7-8	9-10	11-13	14дан ортиқ
3	Электрэнергетика соҳасидаги ташкилотларга баҳолаш хизмати кўрсатганлик тажрибасига эгаллиги (текширилган корхоналари сони)	1	2	3	4	5дан ортиқ
4	Ўтган йилда баҳолаш ташкилотлари рейтингда мавжудлиги (натижа)	41дан паст	31-40	21-30	11-20	1-10
5	Суғурта полиси қиймати, млн.сўм	400гача	401-600	601-800	801-999	1 млрд ва ортиқ
6	Жамиятнинг 1 дона имтиёзли акциясининг бозор баҳосини аниқлаш хизмати қиймати	150 (1 МРОТ 822000,0 сўм) баробар МРОТгача	100 баробар МРОТгача	60 баробар МРОТгача	40 баробар МРОТгача	20 баробар МРОТгача ёки 17,0 млн.сўм